

# Маҳсулот импортида солиқ назоратининг аҳамияти

Х.М.Кулимова

Тошкент молия институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада маҳсулот импорти амалиётида солиқ назоратининг аҳамияти келтирилган, шу билан биргаликда қўшилган қиймат солиғи ва унинг қопланиши, давлат бюджети даромадларида билвосита солиқлар суммаси, божхона божининг давлат бюджети даромадларидағи суммаси, божхона божининг кўпайиши билан боғлиқ фаолиятлар таркиби, мамлакатга товарларни олиб киришда солиққа тортиш тартиби, импорт қилинган товарлар ҳаракатини назорат қилиш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича хукуқбузарликларнинг олдини олиш босқичлари, Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан импорт динамикаси ўрганилган. Шунингдек, маҳсулот импорти амалиётида солиқ назоратини ўрганишга доир илмий мунозаралар юритилган ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** экспорт, импорт, савдо операцияси, молиявий имтиёзлар, солиқ тўловчи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, давлат бюджети, божхона божи, солиқ имтиёзлари, божхона маъмуриятчилиги, реимпорт, божхона тушумлар, солиққа тортиш, божхона, солиқ, валюта, солиқ назорати

## The importance of tax control in the import of products

Kh.M.Kulimova

Tashkent Institute of Finance

**Abstract:** This article presents the importance of tax control in the practice of product import, along with value added tax and its compensation, the amount of indirect taxes in state budget revenues, the amount of customs duty in state budget revenues, the composition of activities related to the increase in customs duty, the procedure for taxation when importing goods into the country, stages of control of movement of imported goods and prevention of violations of taxes and customs fees, import dynamics of the Republic of Uzbekistan with major partner countries have been studied. Also, scientific discussions and suggestions were made on the study of tax control in the practice of product import.

**Keywords:** export, import, trade transaction, financial benefits, taxpayer, value added tax, excise tax, state budget, customs duty, tax benefits, customs administration, reimport, customs receipts, taxation, customs, tax, currency, tax control

## КИРИШ

Маълумки, экспортёр корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлилигини оширишда, импорт операцияларида хужжат билан тасдиқланган маҳсулотларнинг тўлиқ истеъмолчиларга етказилишига эришишда солиқ назоратидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташқи савдо операцияларини солиқлар воситасида тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, импортёрларнинг солиқ ва божлардан имтиёзлари мақсадли фойдаланилмаганда умумбелгиланган тартибда солиқقا тортиш, экспорт-импорт ореацияларида солиқ назорати соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни қўллашнинг самарали тизимидан фойдаланиш каби масалаларга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини солиқлар воситасида қўшимча рағбатлантириш бўйича тизимли амалий ишлар амалга оширилмоқда. «Солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш обьектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва хисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш»[1] вазифаси белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлашда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлар ўртасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молиявий имтиёзларни қўллаш тартибини такомиллаштириш, ташқи савдода солиқ назоратига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш бўйича таклиф ва илмий тавсияларни асослаш, халқаро бозорда импорт операцияларида солиқ назоратининг аҳамияти долзарбdir.

### *Адабиётлар шарҳи*

З.Қурбановнинг фикрига қўра, “мамлакатимиз валюта захирасини мустаҳкамлашда товар ва ишлар, хизматларни хорижга экспорт қилиш иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, экспорт операциялари солиқ аудити методологиясини такомиллаштириш зарур”.[2]

Тошмуродованинг илмий ишларида солиқлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. [3]

Исламкулов ўз изланишларида бюджет даромадларида солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалалар тадқиқ этилган. [4]

Ш.Д.Эргашходжаева томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари экспорт фаолиятини рағбатлантириш жаҳон бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқлигини қўрсатади.[5]

Л.Гончаренконинг қайд этишича, “солиқ муносабати қатнашчиларининг ўзаро боғлиқлигининг замонавий даражаси солиқ маъмурятчилигини ташкил қиласиган назоратнинг икки элементидан иборат, шу жумладан, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишининг назорати; солиқ органларининг қонунлар ижросини таъминлашининг назорати”.[6]

А.Адвокатова солиқ назоратига қуйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳукуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш”.[7]

### *Тадқиқот методологияси*

Ушбу мақолада ташқи савдо операцияларида солиқ назоратининг аҳамияти кўрсатиб берилган илмий анализ ва гурухлаш каби методларидан фойдаланилган.

### *Таҳлил ва натижалар*


Маълумки, давлат бюджети даромадлари катта қисми солиқлардан ташкил топади. Унинг катта улуши билвосита солиқлар ҳисобига тўғри келади. Билвосита солиқларнинг ҳам катта қисми қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғини ташкил қиласиди.

«2021 йилда солиқ ва божхона органлари томонидан маъмурлаштириладиган ККС бўйича тушумлар 52,8 трлн сўмни ташкил этди»[8].

Бундан кўринадики, бунда қоплаш суммаларини ҳисобга олинмаган. Давлат бюджети даромадларининг ўсишини солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши, солиққа оид ислоҳотларининг амалга оширилиши билан изоҳлаш мумкин. Солиққа ва божхонага оид маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган муносабатлар орқали иқтисодий ўсишга эришилмоқда.

Маълумки, мамлакатда қўшилган қиймат солиғининг бюджет даромадларига келиб тушиши билан биргаликда, ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланган солиқ суммасидан кўпроқ чиқаётганлиги сабабли солиқ ўрнини қоплаш тартиби амалга оширилиб келинмоқда.

«2020 йил 1 июлгача фақат экспортчи компанияларга қўшилган қиймат солиғининг ўрни қопланган. 2020 йил 1 июлдан бошлаб барча компанияларга қўшилган қиймат солиғи ўрнини қоплаш имконини берувчи тизим жорий этилган ва муддатлар белгиланган»[8].



1-расм. Кўшилган қиймат солиги ва унинг қопланиши (трлн сўмда) [9]


Юқорида кўрсатилган 1-расмни таҳлил қиласидан бўлса, 2019-йилда кўшилган қиймат солигининг қопланиши 3,2 трлн сўмни ташкил қиласа, 2021-йилда эса мазкур сумма 14,4 трлн сўмни ташкил қиласди ва 2019-йилга нисбатан 11,2 трлн сўмга ошган. 2019 йилда кўшилган қиймат солиги тушумлари 37,1 трлн сўмни, 2021-йилда эса 52,8 трлн сўмни ташкил қиласа. Кўшилган қиймат солиги бўйича тушум 2019-йилга нисбатан 2021-йил 15,7 трлн сўмга ошган. 2021-йил қўшилган қиймат солиги умумий ҳисобда 38,4 трлн сўм қилиб кўрсатилган, бунга сабаб қоплаш суммасининг 14,4 трлн сўмни ташкил қиласиги. Яъни қоплаш суммаси ҳисобига мазкур солик бўйича тушум 38,4 трлн сўмни ташкил қиласа.

Бизнинг фикримизча, кўшилган қиймат солигининг давлат бюджети даромадларидаги микдорининг ошиши солик ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши асосида иқтисодиётда бир хил рақобат муҳитини яратиш, шу билан биргаликда, ушбу соликнинг йифиши маъмуриятчилигини янада такомиллаштирилиши билан ифодаланади.

Халқаро молия институтлари кўшилган қиймат солигидан даромадларни таҳлил қилишда кўшилган қиймат солигининг самарадорлик коэффициентидан фойдаланадилар. Ўз навбатида, ушбу ҳолат ҳар қайси мамлакатларда ҳар хил солик ставкалари ва соликни қоплаш тартибини амалга ошириши билан ифодаланади.

Масалан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич 60 % атрофида бўлиб, бу кўшилган қиймат солиги солинмайдиган айланмалар билан шунингдек, солик ставкаларининг баланд эмаслигини кўрсатади.


Кўшилган қиймат солиги самарадорлиги яъни айнан йигилувчанлиги бўйича 2020 йилдаги 44,5 %дан 2021 йилда 48 %гача ошди. Яъни бу ерда кўшилган қиймат солиги йифиши самарадорлиги кўшилган қиймат солигидан даромад шунингдек, Ялпи ички маҳсулотдан фоизларини қўшилган қиймат солиги ставкасига нисбатига тенгdir.



2-расм. Давлат бюджети даромадларидағи билвосита солиқлар суммаси (млрд сүмда) [9]

2021-йилда құшилған қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи мөсравишида 38439, 13088, 4765 млрд сүмни ташкил қилған ва ушбу күрсаткичлар 2019-йилга нисбатан мутаносиб мөсравишида 4629,2; 2773,3; 2462,3 млрд сүмга ошганлигини қўришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, мазкур даромад суммаларининг ошиши 2021-йилда февраль-октябрда солиқ ставкаларининг ўртача ўн беш фоизга индексацияси қилингандиги сабаб бўлган.

Ўз навбатида, 2022-йил прогнози бўйича импорт операцияларини амалга оширишда акциз солиғининг олинги икки йилларга нисбатан камайтирилиши 2020-йилнинг 1-августидан бошлаб, транаспорт воситалари учун акциз солиғи ва кейинги йил 1 январдан 73 та товарларга асосан озиқ-овқат, техника товарлари ва бошқалар учун акциз солиғининг бекор қилиниши билан ифодаланади. Мазкур амалиётга кўра, импорт операцияларини амалга оширишда айнан акциз солиғи қўлланиладиган товарлар ҳажми 978,60 млн АҚШ долларидан, 557,60 млн. АҚШ долларига қисқарган. Ўз навбатида, алоҳида турдаги товарларга акциз солиғини бекор қилиниши ушбу товарларнинг расмий импорт операцияларини қонунийлаштиришга хизмат қиласди.



3-расм. Божхона божининг давлат бюджети даромадларидағи суммаси (млрд сүмда) [9]

2018-2022 (прогноз) йиллар оралиғида божхона божининг давлат бюджети даромадларидағи суммасини таҳлил қиласиган бўлсак, мөсравишида 1826,4;

2302,7; 3553,7; 4764,8; 4826,6 млрд сўмга тенг бўлган. Божхона божининг давлат бюджети даромадларидағи суммаси йиллар кетма-кетлида маълум даражада ошганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин божхона божининг маълум миқдорда ошганлигига қарамасдан у давлат бюджети даромадларининг 2-3 фоизи атрофида сақланиб колган.

Шунингдек, 2021-йил декабр ойининг охирига қадар мамлакатга импорт қилинаётган йигирма турдаги товарларга нисбатан божхона божининг ноль ставкада белгиланган.

Умуман олганда, 2021-йилда умумий имтиёзлар суммаси 480 млр. сўмга етган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2021-йилда божхона тўловларига тортиладиган импорт қилинган товарларнинг улуши 68,9 фоизни ташкил қилган.

Давлат бюджети даромадларининг ортишига нафақат мамлакатнинг иқтисодий ўсиши балки, жаҳон бозорларида қимматбаҳо металл нархларининг юқорилги ва шу билан биргаликда, ташқи савдода солиқ назоратининг амалга оширилиши тартибини такомиллашуви ҳам таъсир қиласди.

валюта айирбошлиш курсининг шунингдек, импорт қилинадиган товарлар ҳажмида солиқлар юқорилиги

божхона тартибининг осонлаштирилиши

#### **божхона тушумларининг ошиши билан боғлиқ фаолиятлар таркиби**

товарларни ишлаб чиқаришни тезлаштирилиши

божхона маъмуриятчилиги янги услубларни амалиётга тадбиқ этилиши

4-расм. Божхона божининг кўпайиши билан боғлиқ фаолиятлар таркиби [9]

Умуман олганда, импорт товарлар қийматида солиқлар улуши кўплиги, валюта курсининг ўсиши, божхона тартибининг осонлаштирилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, божхона маъмуриятчилиги янги услубларини амалиётга тадбиқ этилиши божхона божининг ошиши билан боғлиқ фаолиятларга ўз таъсирини кўрсатади.

Мамлакатда импорт операциялари амалга оширилганда солиқ солиш божхона режимига қараб қуидаги тартибда амалга оширилади:

- импорт операцияларини амалга ошириш учун божхона режимига мувофиқ жойлаштирилган товарларга солиқ солинади;

- реимпортни амалга оширишда божхона режимига жойланган товарларга агар хўжалик юритувчи субъектлар экспорт фаолияти билан шуғулланса унга экспорт қилган товарлари учун тўловлари қайтарилади;
- реэкспорт, божхонада декларация қилинган товарлар транзити, бож олинмайдиган савдо ва эркин божхона майдони, божхона омбори давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига солиқ солинмайди;
- қайта ишлаш божхона режимида амалга оширилганда ва қайта ишланган маҳсулотларини маълум вақтда мамлакат божхонасидан олиб чиқилса солиқ солинмайди;
- божхона тартибига кўра божхона режимига мувофиқ товарларни вақтинча импорт қилиш солиқ солишдан тўлиқ ёки қисман солиқ тўламайдилар;
- божхона режимига жойланган товарларни божхона майдонидан ташқарида қайта ишлашда импорт қилинган товарларга нормативларга мувофиқ солиқ солинади;
- божхона режимига жойланган товарларни ички истеъмол қилиш мақсадида қайта ишлаш амалга оширилганда солиқ солинади.

Бугунги кунда мамлакатда импорт операциялари амалга оширилганда солиқ солиш божхона режимига қараб амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ўсига ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Маълумки, акциз солиғи импорт операциялари амалга оширилганда белгиланган товарлар бўйича адвалор, қатъий белгиланаган ставкада ҳисобланади ва ҳисобланган солиқ суммаси қатъий белгиланган ставкадан кам бўлмаслиги лозим.


Импорт операцияларини амалга оширишда товарларга қўлланилган акциз солиғи тўлаш тартиби божхона нормативларига асосан қўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Импорт операциялари бўйича товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомала учун чиқариш» режими билан расмийлаштириш учун, иш бажаришга ва хизмат кўрсатишга ёки импорт операцияларини амалга оширишдаги контрактларига кўра, уларга тўланган пул маблағларини қайтарилиш муддатлари қўйидагилардан иборат:

- Ҳукумат қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ёки Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда - импорт контрактларида белгиланган муддатлардан;

- электротехника саноати тармоғи ташкилотларининг ўзининг эҳтиёжларига учун технологик асбоб-ускуналарга нистабан тузилган импорт операцияларини амалга оширишда тузилган контракатларга тўлов қилинган пайтдан 270 календарь кун;

- бошқа импорт операциялари амалга оширилганда тузилган контрактларига кўра тўлов қилинган кундан эътиборан 180 календар кундан иборат бўлиши лозим [10].



5-расм. Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан импорт динамикаси [11]

Шунингдек, 2021 йил давомида Ўзбекистоннинг импортдаги асосий шериги сифатида Россия ва Хитой қайд этилди. Ўзбекистон Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро импорт хажми мос равишда 5458,1 ва 4922,1 млн АҚШ долларини ташкил қилган.

5-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг импорт салоҳияти асосан йирик ҳамкор давлатлар Россия Хитой билан ўзаро импорт улуши олдинги йилга нисбатан савдо муносабатларида ошиб бормоқда. Шу билан бирга, расмдаги статистик маълумотлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибида товарлар диверсификацияси, яъни импорт қилинаётган товарлар турлари кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2019-2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасига Россия, Хитой, Қозогистон, Туркия, Корея давлатларига импорт қилинган товарлар турлари таҳлил қилинганда, асосан мамлакат ичидаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилик транспорт жиҳозлари шунингдек, машиналар, саноатга оид товар, кимёвий ва шунга ўхшаган товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ёқилғи ва хизматлар ёғлаш мойлашлари ва шунга ўхшаш материаллар, турли хил тайёр буюмлар каби товарлар импорти ошган.

### *Хулоса ва таклифлар*

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш ва божхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўлланилиб келинмоқда.

Фикримизча, мазкур чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши қўйидаги натижаларга олиб келади:

1. Солиқ ва божхона имтиёзлари орқали қўллаб қувватлаш, шу жумладан якка тартибдаги ҳолатлар, ушбу тақдим этилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қиласди.

2. Экспорт-импорт операцияларида божхона солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштиришда уни амалга оширишнинг ташкилий-методологик жиҳатларини янада такомиллаштиришни таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон; 19.03.2020 й., 06/20/5968/0331-сон.
2. Қурбанов З.Н. (2011) Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, Б. 26
3. Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент , 44 б.2007.
4. Исламкулов А.Х. (2012) Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.
5. Ш.Д.Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув кўлланма.- Т.: ТДИУ, 2013.- 328 б.
6. Гончаренко Л.И. (2012) Методология налогообложения и налогового администрирования коммерческих банков: монография / Л.И. Гончаренко. – 2-е изд. М: Финансовый университет, 332 с. (190-191 с.).
7. Адвокатова А.С. (2013) Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва. 26 с.
8. Jumaniyazov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 109-116.
9. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. International Journal of Management Science and Business Administration, 4(2), 84-88.
10. Jumaniyozov, I. (2020). ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(5), 1.

11. Jumaniyazov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(2), 1.
12. Jumaniyazov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 30-37.
13. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Наука, образование и культура, (7 (10)), 27-28.
14. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Economics, (7 (16)), 28-29.
15. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. Science and Education, 3(5), 1637-1645.
16. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. Science and Education, 3 (5), 1628-1636.
17. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. Science and Education, 3 (5), 1646-1654.
18. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna.
19. Jumaniyazov, I., & Xaydarov, A. (2023). The importance of social insurance in social protection. Science and Education, 4(1), 1033–1043. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/4941>
20. Inomjon, J. (2023). GENDER BYUDJETLASHTIRISHDA DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATINING O'RNI. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(6), 1187-1191.
21. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партиципатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарбилиги. Science and Education, 4(2), 1486–1493. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>
22. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. Science and Education, 4(2), 1509–1516. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5237>
23. Jumaniyazov, I. T. (2019). Evaluation criteria for the efficiency of sovereign funds. Global science and innovations 2019: Central Asia. In International scientific conference.–Nur-Sultan (Kazakhstan) (Vol. 340, pp. 226-229).
24. Jumaniyazov, I. T. The significance of Uzbekistan reconstruction and development fund's financial capital on economic growth of Uzbekistan. International

Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN, 2348, 0386.

25. Jumaniyazov, I., & Mahmudov, M. (2022). Experience of foreign countries in attracting foreign investment. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(5), 32-37.
26. Jumaniyozov, I. T., & Abdumannobov, A. M. (2020). MANAGING PUBLIC DEBT. In Ключевые проблемы современной науки (pp. 3-7).
27. Jumaniyozov, I. T., & Bakhodirkhujayev A.F. (2020). ISSUES AND CHALLENGES FOR THE IMPLEMENTATION OF MACROPRUDENTIAL POLICY IN UZBEKISTAN. In Ключевые проблемы современной науки (pp. 8-11).
28. www.mf.uz- расмий сайти маълумотлари
29. Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланди
30. www.soliq.uz- расмий сайти маълумотлари
31. www.stat.uz-расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди